



Fidoyilik —  
Vatanga xizmat demak!

2026-yil 22-may, juma,  
47 (24.227)-son

O'zbek xalq  
maqoli

Vatanga  
kelgan -  
iymonga  
kelar

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews\_uz



https://twitter.com/zarnews\_uz



info@zarnews.uz



**YAGONA VATAN, YAGONA XALQ BO'LIB, YANGI HAYOT VA KELAJAK YARATAMIZ!**

# МИЛЛАТ ШАВКАТИ



► **Буюк ўзбек йўли**



**Кудратилла РАФИҚОВ,**  
сиёсатшунос.

Чор Россияси, кейин большевиклар босқинида у катта талафотлар кўрганни барчамиз яхши биламиз. "Тенглар ичра тенг" бўлган ёки истиқлол тонги отган илк йиллар ҳам кўҳна кент тарихида таъсирчан аҳамият касб этмади.

Совет ҳокимиятининг Самарқанддан кўзлаган максоди анча устакорлик билан ўйлаб топилганди: мустабид идеология шаҳар харобалари ва ўтмишини кўз-кўз қилиш орқали даҳрий ва репрессив империяни ислом ва шарқ маданияти ҳомииси сифатида тақдим этиш, ундан умумтарих ва кадрятлар витринаси — мултикультурализм, яъни советча тенглик ҳамда бағрикенгликни кўрсатиш учун фойдаланарди. Мустақилликдан кейин бу қадимий кентга бўлган эътибор бошқа томонга оғди. Энди унга кўпроқ ўзликни топиш, руҳиятдаги посттоталитар ҳолатни деформациялаш учун қўлланиладиган восита ўлароқ ёндашила бошланди. Тўғри, айна янгилинишларни шунчаки формал ўзгаришлар эди, дейиш адолатдан бўлмади. Чунки обидалар, қадимжолар, меъморий ёдгорликларни тиклаш ва обод қилиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Аммо бу ҳаракатлар шаҳарнинг қадимий шухратини тиклаш ва энг муҳими, унинг асрий руҳиятини қайта уйғотишдек қудратли намоён эта олмади.

Нега? Чунки истак ва ҳаракат қанчалик самимий ва қўламли бўлмасин, уларда шаҳарнинг тарихий хотираси ва моҳиятини тўлиқ тиклаш учун зарур бўлган ички мазмун ва уйғунлик етишмади. Жўнгина айтганда, шонли ўтмиши, маънавий идентлиги унга "тарих иконаси" сифатида қарашдек узоқ йиллар онгимизда шаклланган гламур тасаввурлар соясида қолди. Аслида, Самарқандни тушуниш, жўғрофий аҳамиятини аниқлаб олиш ўта муҳим эди. Нимага десангиз, бу кўҳна замин фақат мозий осори атиқаларига эмас, балки унинг бағрида минг йиллардан буюн яшаб келаётган халқ учун ҳам ватан саналарди. Бунга тўғри англаш учун бизга хийла узоқ вақт керак бўлди.

Айни масалада фикр юритишни бир нафас

кечкиририб, диққатимизни бугунги кунларга қайтарсак.

Утаётган ўн йиллик Самарқанд ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Мен бугунги мақолада айни ўзгаришларни муфассал шарҳлаш фикридан йироқман. Зотан, шаҳарнинг ҳозирги қиёфаси, у ерда олиб борилган бунёдкорликлар ҳақида ҳаммамиз яхши биламиз. Бир пайтлар Соҳибқироннинг қудратли салтанатига бошкент бўлган, оламни ўзига маҳлиё айлаган, хорижий сайёҳлар ва сиёсатчилар қадами узилмаган шаҳар бугун асл шавқатини тиклаётганини барчамиз сезиб турибмиз. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, узоқ танафусдан сўнг у яна дунё сиёсатчилари, иқтисодчилари йиғилиб маслаҳатлашадиган халқаро дипломатия саҳнасига айланди. Келаётган хорижий меҳмонлар, ҳатто, сайёҳлар оғзидан ҳам бир эътирофни кўп эшитиш мумкин бугун: "Самарқандга эртақлардаги, тарих китобларидаги жозибаси қайтибди!"

Энди айтинг, одамлардаги таассуротни янгилаш, замонлар юки монолитдай қўйиб қўйган стереотипларни парчалаш ўз-ўзидан бўлади деб ўйлайсизми?! Иддаомиз беқорга эмас. Зотан, шаҳарнинг кўрку таровати фақат беш-ўнта меъморий ёдгорлик билан ўлчанмайди. Қолаверса, "ўтмиш руҳи" тасаввури чечан гидларнинг мароқли ҳикоялари орқали тўлиқ шаклланади деб қараш ҳам унчалик тўғри эмас.

Қадим тароватни уйғотиш фақат бир амал — кўҳна деворлар, тупроқлар қаърида кўмилиб ётган маданий оҳангларгагина тан. Уларни ҳаракатга келтириш учун эса тарихий-руҳий ҳаёт қатламини қайта кўриб чиқиш талаб этиларди. Яъни, нафақат шаҳар, балки бутун ён-атрофдаги маданий ҳаётни тубдан ўзгартириш, илмий тилда айтганда, жамият ҳаётини десоветизация — мустамлакачиликнинг барча меросларидан тозалашни назарда тутарди. Ўз-ўзидан равшанки, бу катта маштабдаги юмуш эди. Шу маънода айтадиган бўлсак, Самарқанднинг қайта "оёққа туриши" осон кечди деган одам адашади.

2001-2003 йилларда шу йўлдаги машаққатли меҳнатни мен ўз кўзим билан кўрганман. Айнан ўша йиллари Шавкат Миромонович Жиззаҳдан бу ерга ишга ўтган ва айнаи масъулиятнинг оғир юки у кишининг елкасига тушганди. Бугун баъзи давраларда ҳам ҳайрат, ҳам таажуб билан "Янги ҳоким иш бошлаган кезларда идора ҳудудидан фалон машина чиқинди олиб чиққан экан", деган гаплар ҳам айни даврларга тегишли. Эшитган қулоққа гарчи лоғга ўхшаб туюлса-да, ҳақиқатан, шундай бўлган. Бўлганда ҳам, у киши масалага кечиктириб бўлмас, энг муҳим юмушдек ёндашгани ҳозиргидек ёдимда. Ўшанда менинг ҳам "Шунча иш туриб фаолиятни нега бундан бошлади", дея ажабланган вақтим ҳам бўлган. Аммо кейин тушундим. Англаганим шуки, бу ҳодиса нафақат ободончилик ҳаракати, балки узоқ йиллар эсдан чиққан, тузумлар ва сиёсатлар назаридан четда қолган, баъзан эса такаббурлик билан кўзга илмай қаралган руҳий янгилиниш сари солинган бир йўл экан.

Айни мулоҳазаларни қатъий айтишимнинг боиси бор, албатта. Чунки Шавкат Миромонович Тошкент ва Жиззаҳда бўлгани каби бу ерда ҳам ишни озодлик ва саришталикдан бошлаган эди. Эсимда, бутун вилоят бўйлаб бошланган ободонлаштириш ишлари нафақат ҳудудларни, балки одамлар кўнглини ҳам ёритиб юборганди ўша кезларда. Мавзу контекстидан келиб чиқиб масалага фалсафийроқ ёндашадиган бўлсак, айни ўринда кўздан панада қолаётган мажозий маънони илғашимиз мумкин: Шавкат Мирзиёев ушбу ишга жазм қилар экан, ҳақли маънода афсонаю ривоятлар, зафар ва ғалабалар шавқи, шону шавқати чўкиб ётган қадимий ва буюк шаҳар бағрини ҳам қора ўтмиш ғуборларидан поклаётгандек эди. Ҳа, Самарқанднинг маънавий қиёфаси, руҳиятдаги юқалиш айнан шундай бошланганди, десам ҳеч ҳам адашмаган бўлман. Зотан, ҳар қандай буюк ишлар, улғуворлик, поклик пойдевори устига қурилади.

**Баъзи давлатларга сафар қилган одамларнинг "Аэропортданок ёмон ҳиддан нафасим бўғилиб қолди, кўчалардаги ахлат уюмларини кўриб, кўнглим айниди, кайфиятим бузилди", деганга ўхшаб ҳикояларини кўп бор эшитган бўлишимиз мумкин. Ҳа, аслида, беписанд қарайдиганимиз озодлик шунчаки "рўзгорбоп" тушунча эмас, у руҳият кўзгуси, ички маданият ифодасидир.**

Аслини олганда, Шавкат Мирзиёев сиёсий йўналишида мен айни устуворликни бундан анча илгари, уни таниган йилларимдаёқ сезганман. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирилари, 90-йиллари бошида мамлакат сиёсий майдонда пайдо бўлган ёш йигит ҳаракатчанлиги, чечанлиги билан тезда кўпчиликнинг эътиборига тушганди. Ўрни келганда бир мушоҳадам билан ўртоқлашиб ўтишим зарур деб ўйлайман. Ўқиганларим ва ҳаёт тажрибамга таяниб аниқ айта оламани, бу дунёда тасодифлар йўқ. Фикримни янада очикроқ билдирадиган бўлсам, буюк шахсиятлар ўзлари ҳақида биринчи қадамлариданок ишора беришади...

(Давоми 2-3 саҳифаларда) >>>



**Samarqand —  
"M360 Eurasia 2026" xalqaro forumi  
mezboni**



**Respublika ishchi guruhi  
Samarqanddagi sport inshootlari  
faoliyati bilan tanishdi**



**Viloyatimiz delegatsiyasi Xitoyda  
o'tkazilayotgan "Uchinchi O'zbekiston-  
Xitoy hududlararo hamkorlik forumi"da  
ishtirok etmoqda**



**"Sharq va G'arb Ipak yo'li"  
rallisi ishtirokchilari  
Samarqandda**



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Халқимизда "Яратганнинг назари тушмас..." деган маъни тўқ ҳикмат бор. Асрлар давомида ўз моҳиятини йўқотмаган, ота-боболаримизнинг фалсафадаги детерминизм тушунчасига уйқаш ушбу "хулоса"си, ҳақиқатан, биз одатда тасодиф ёки омад, дея таърифлайдиган воқеалар замирида инсон англаб етмайдиган қонуниятлар борлигини эсга солиб туради.

II

Бўлмаса айтинг, Жиззахнинг олис бир қишлоғида ўсган ёшгина йигит Олий советга депутат, пойтахтнинг марказий районларидан бирига ҳоким бўлади деб ким ўйлаган ўша дамлар. Ҳолбуки, совет ва ундан кейинги дастлабки даврларда ҳам "шаҳарга фақат шахарликлар" деганга ўхшаш мутлақо асоссиз, ёзилмаган қоида ҳукмрон эди.

Майли, расамади билан куйироқда ҳали бунга вақт ажратамиз. Аслида, бош мавзунимиз Самарқанд, Шавкат Мирзиёевнинг айни вилоятдаги фаолияти тўғрисида эди. Бироқ гапнинг ўзани сал нарироққа, у киши ижтимоий-сиёсий ҳаётга кириб келган илк дамига бурилиб кетди. Эҳтимол, бунда ҳам бир ҳикмат бордир. Зеро, моҳиятни англаш учун, аввало, унинг замирига назар ташлаш лозим, дейишадик улуғларимиз.

III

Фавқулодда қобилиятли одамларга яшаш ва ишлаш ҳамма замонларда ҳам осон кечмаган. Масалан, ғайрат-шижоати, дунёқараш ва ғоялари жамиятдаги аънавий тушунчалардан фарқ қиладиган, олмон файласуфи Иммануил Кант таъбири билан айтганда, одатдагидан илгорроқ "ақл" атрофини илҳомлантириш билан бирга теваракдагиларда етарлича хавотир ҳам уйғотиши мутлақо бор гап. Бунга тарихий-сиёсий адабиётлардан кўп мисоллар келтириши мумкин. Бироқ омадим шундаки, айни ҳодисани мен китоб ёки архив ҳужжатларида эмас, ўз ҳаётимда кўрганман.

У кишини ҳали институтда ишлаётган кезлариданоқ билардим. Чунки "горком"даги иш фаолиятим аввалига айнан фан ва ўқув муассасалари, кейин ҳам шунга яқин — мафқуравий йўналиш билан боғлиқ эди. Очиқ айтаман, ўша кезлар ҳаракатчан, кўзидан ўт чакнаб турадиган, ўта тарбияли ва ёшгина нисбатан хийла мулоҳазали бу йигитга ортиқча эътибор бермаганман. Наздимда, у оддий бир олий ўқув юртининг илмий ходими, нари борса, навқирон педагог-зиёли эди. Унинг мен, қолаверса, шаҳар жамоатчилиги ва юқори элитанинг тасаввурларини тўғизтиб юборган, умумийсат сахнасида Шавкат Миромонович деган ҳар томонлама ҳурмат-эътиборга сазовор исм-шариф билан ҳисоблашшга мажбур қилган даври 90-йиллар бошига тўғри келади.

Ушунда Михаил Горбачёвнинг ҳамма ёқни остин-устун қилган "қайта қуриш ва ошқоралик" замонларининг сўнгги йиллари, олатасир, биров бировни эшитмайдиган, ҳамма гапирадиган даврлар эди. Айнан ўша йилги Республика олий совети депутатлигига сайловлар бўлиб ўтади. Эндигина 33 ёшга кирган, пойтахт ҳаёти, ҳокимиятнинг шафқатсиз "ўйланлари"ни ҳали ич-ичидан билмаган ёшгина йигит ўз номзодини халқ вакилчилигига қўйди.

жон бордек эди. Нега десангиз, номзодлари кўйилганлар орасидаги Ожиганов ҳуқуқ-тартибот, қолаверса, республика ижтимоий-сиёсий ҳаётда анча эътиборга эга одам бўлган. Духовний эса, боя қавс ичида алоҳида атай изоҳ берганимдек, нафақат Ўзбекистон, балки иттифоқ миқёсида катта қудратга дохил аъён ўлароқ мутлақ ғолибликка ҳақлидек тасаввур уйғотарди. Чунки унинг қўлида муҳим дастак — ирригация ва сув масалалари жамланган эди.

IV

Яхши биласиз, ўша даврлар бутунлай аграр тармоққа "ўтиргизилган", "киндиги бир" минтақа республикалари учун бу соҳа ҳаёт масаласи эди гўё. Шунинг учун Духовний эгаллаган мартаба таъсири нафақат Ленин (бугунги Мустақиллик) майдони биқинидаги ЦҚ (Центральный Комитет — Марказий Қўмита) биносининг серхашам хужраларида, балки бизга қўшни бўлган барча республикалари "маҳв" этиб, шимолда жойлашган "марказ"нинг қирмизи гўмбазли саройларида ҳам тантанали тарзда акс садо бериб турарди. Шу сабаб сайловчилар учун ҳам, шунчаки вазиятни кузатиб турган томошалаб одамлар учун ҳам натижа қизиқ эди. Яқун шундай бўлдики, тўлиқ ошқоралик ва эркинлик асосида ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев рақибларидан катта фарқ билан устун келди...

V

Албатта, шу ўринда савол туғилади: қатордаги сиёсий қудратга, обрў ва мартабага эга бўлган номзодларни у киши қандай орда қолдириб, депутатлик мақомига эришди? Мен ашаддий фаталист эмасман. Бироқ юқорида келтирганимдек, ота-боболаримиздан мерос "тақдир", "пешонасига битган" деган азалий тушунчаларни тўлиқ инкор ҳам этолмайман. Қолаверса, у кишининг ғолиб бўлишида табиғатидаги шиддат, ҳаракатчанлик ва инсонларга бўлган кечисиз меҳр, ноёб одамгарчилик хислати ҳам асос бўлди деб ўйлайман. Чунки у институтда фаолият юритаётган ўша дамларда ҳам туманда даоли сифатида яхши танилган, маҳаллалар аҳли, талабалар меҳрини қозониб улгурган эди.

Юқорида бир мулоҳазани бошлаб, давом эттиришни ортага сургандим. Назаримда, энди унинг мавриди келди. Совет даврида гарчи "биз катта бир оила" деган бандандарвоз шор устуворлик касб этган бўлса-да, бу қақирққа нисбатан скептик қараш йўқ эмасди. Дейлик, "огаини"ларнинг ҳар бирида, гарчи пинхона бўлса-да, ўз манфаати ёки ижтимоий-сиёсий идентлигини юқорида кўйишга, барча имтиёз рағбатларга, аввало, улар ҳақли эканини исботлашга тийиксиз уриниш истаги бор эди. Айни шу "хусусият" миллий республикалар ичида ҳам кўзга ташланарди. Бошқаларни четга суриб, ўзимиз ҳақимизда гапирадиган бўлсам, ўша даврларда ким қайси вилоятдан, воҳаданим, водийданми, сал пастроққа қараб тушсанг, районма-район, уруғ-аймоқ суриштириш, хуллас, ҳокимият иерархияси шаклланишида очик айтилмасда-да, шундай ўлчовнинг борлигини тамоман инкор қилиб бўлмасди. Шавкат Миромоновичнинг депутатлик сайловларида ва ундан кейин, 1992 йилда Мирзо Улугбек туманига ҳоким бўлишида ҳам бу сезилган.

Масалага кенгроқ ёндашганда, аслида, халқ тилида соддагина қилиб "маҳаллийчилик" дейиладиган, аммо жиддийроқ қарасангиз, қайсидаир маънода ижтимоий дискриминацияга ҳам ўхшаб кетадиган бу хавфли қусур нафақат Тошкент, балки умумжамятинимизга ҳос хавфли иллат эди. Оддий тушунтирганда, Қашқадарёга қашқадарёлик, Бухорога бухоролик, Наманганга фақат Намангандан чиққан кадргина раҳбар бўлишга муносиб, деган халқни бўлиб ташлашга, бирлик ва яқдилликка раҳна солувчи қараш эди бу.

Мен аниқ билмайман, бундай радикал кайфият, қараш бизда қачон пайдо бўлган?.. Эҳтимол, унинг шаклланиши ўтган аср бошларида бориб тақалар. Билмадим. Ҳар қалай, коммунистларнинг ўша йиллари "миллий республикалар ва миллатларни "яратиш" сиёсати" олдин на этник ва на худудий иттилофларга борган туркистонликлар ўртасида ўзига ҳос айирмачиликни келтириб чиқаргани бор гап. Табиийки, бўлиб ташлаб, бошқариш уларнинг манфаатига мос эди. Жумладан, ўлкадаги миллий келишмовчиликлар — ҳудуд ва маданий мерос, этнос ёки этногенез атрофидаги "ғижиллашиш"лар пинхона давом этаркан, бундан "марказ" атай кўз юмарди. Чунки ҳамжиҳатлик ва руҳий яқинликнинг йўқлиги минтақага доимий ожизлик бахш этиб туришини улар яхши тушунишарди. Бироқ советлардан ўзлаштирилган салбий таъриб, "бўлиб ташлаб идора қилиш сиёсати", гарчи зараринизга бўлса-да, бизда кечагача давом

эди. Хусусан, мустақилликдан кейин ҳам вилоятлар ва хатто туманларни бир-биридан ажратиб турадиган "блок пост"лар қўйилганини нима билан изохлаш мумкин. Аммо Шавкат Миромоновичнинг пойтахтда муҳим сиёсий персонга айланishi масаласи, юқорида ишора қилганимиздек, бундан ҳам жиддийроқ оқибатларни келтириб чиқарган, дангал айтганда, қўллаб ўзини энг муҳим аъён деб ҳисобловчи маҳаллий "зодагон"ларни безовта қилганди. Албатта, узоқ даврлардан бери бир маромда кетаётган "иш"лар динамикаси бирдан ўзгарса, табиий равишда хотиржамлик йўқолади. Бу беҳаловатликнинг қат-қатида ҳасад ҳам бор эди. Бироқ мен бунга катта айб сифатида қораламайман. Зотан, ҳасад ҳам нафсга боғлиқ. Нафс эса ҳаммамизда бор.

Хатто башарият даҳолари деб ардоқлайдиган буюкларда ҳам ҳасад бўлган. Масалан, наинки рус халқининг, балки инсоният олий тафаккурининг даҳоларидан бири Лев Толстой ўз замондоши сукук адиб Фёдор Достоевскийни кунлагани (мавқе кизганиш, рашк қилиш) ҳақида кўп хотиралар бор. Дейлик, у кўп мақолаларида Достоевскийни "тилнинг расвосини чиқарган"ликда айблайди. Бундан ҳам аччиқроғи, Максим Горький хотирларида келади. Унда Толстой шундай дейди: "Достоевский ўзининг жинни қаҳрамонларидан бирини ўзи ишонмаган мақсадга хизмат қилгани учун, ўзидан ва бошқалардан ўчини олиш учун ашадий, деб ёзади. Бу гапни у ўзи ҳақида ёзган, у ўзи ҳақида худди шундай дейиши мумкин эди..."

Хуллас, ҳасад масаласи умуминсоний, табақаларга бўлинмаган бир туйғу дейишимиз мумкин. Қолаверса, бу юқорида айтганимдек, унчалик кечирилмайдиган қусур ҳам эмас. Аммо очик душманлик бу ноинсонийлик белгиси. Шавкат Миромонович Мирзо Улугбек туманига ҳоким бўлганда бундай номдарларча қилинган ҳаракатлар, душманона фитналарга кўп бор рубўрў келганди (ўша пайтларги шаҳарнинг Собир Раҳимов туманида ҳоким бўлгани учун бу воқеалардан яхши хабардор эдим).

Халқ орасида анча оммалашиб кетган, у кишининг ўзлари ҳам бир неча бор қулиб эсланган "Улуғбек хайкали" ҳақидаги хангома шулардан биттаси, ҳолос. Аслида, кимнинг "ижод"и бўлса ҳам, бу ўта пухтали билан ўйланган иш эди. Эрталаб давлат раҳбари хорижлик меҳмон билан бирга гулчамбар қўйиши керак бўлган монументнинг бошини олиб кетиш... Чукүрроқ ўйлансангиз, айни бузғунчилик ташаббускорлари топилмалари замирига "сиёсий мажоз"ни устакорлик билан беркитишган: Мирзо Улугбек бошининг кесилиши аслида шахсан Шавкат Мирзиёев сиёсий фаолиятига қилич сермах эди...

Албатта, шунча гапдан кейин ҳақли бир савол ўртага чиқади: Мирзиёевга қилинган кинли муносабатнинг боиси нима эди, унинг вилоятдан эканими? Йўқ, бу ерда, ҳали айтганимдек, ундан-да жиддийроқ сабаб ҳам бор эди. Мотив шундайки, пойтахтнинг Мирзо Улугбек туманига тайинланган ёш ҳоким шахар ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўз ғайрати, билан ва иқтидори, ноёб қобилияти билан фавқулодда "уйғотиб" юборган ва бу кўпчиликни сергак тортирганди. Бугун аксарият тошкентлик фаоллар, ўша маҳаллар фаолияти шаҳар ҳаёти билан боғлиқ бўлган, юраги тоза, виждони уйғоқ фахрийлар маданият, оресталик, саранжомлик ва бунёдкорлик завқи билан ишлаш ва яшаш борасидаги кўп тажрибаларни айнан Шавкат Мирзиёевдан ўрганишганини очик тан олишадими, эътироф этишадими. Сабаби, маҳалла ва кўчалар, хибонлар гўзаллиги, одамларни улуғ мақсадлар сари бирлаштира олиш бобода ушбу туман нафақат Тошкентда, балки мамлакатда энг олдинги сафда эди.

VI

Ўзи умуман бугунги айтмоқчи бўлган гапимиз Самарқанд ва Самарқанд руҳига қайта "жон бағишланиши" ҳақида эди. Лекин у ердаги қилинган ишлар, Шавкат Мирзиёевнинг қалбидаги жасорат, Ватанига, ўз тарихи ва миллатига бўлган сўнгсиз меҳр-муҳаббатни очиб бериш учун юқоридаги хикояларни ҳам айтиб ўтиш керак эди деб ўйладим. Зотан, у кишининг шахсияти ўз-ўзидан осмондан тушгандек пайдо бўлиб қолгани йўқ. У бугунги мавқеи — халқнинг севимли Президентига айлангунча қанча захмат чеқди, не-не бало-қазолардан омон чиқа олди. Бу Яратганнинг биз учун буюк бир тўхфаси, албатта. Энди асосий мавзу — Президентимизнинг Самарқандда амалга оширган ишлари, у ердаги фаолияти ҳақида бафуржа гаплашасан. Негаки у кишининг айни шу вилоятдаги фаолияти, таърибаси мамлакатимизнинг бугунги истикболига таъзамин бўлди, десам, адашмаган бўламан.

# МИЛЛАТ

## V

Ўрта асрларда "Ғарбда Рим, Шарқда Самарқанд" деган таъриф пайдо бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз, бундан фахрлиб юрамиз. Аммо юқорида айтиб ўтганимиздек, бу қадимий кент ҳам худди инсон тақдирдек мураккаб йўлни кечиб ўтган.

Биргина мисол, гарчи 2001 йилда Самарқанднинг меъморий-тарихий ёдгорликлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилгани шаҳарнинг халқаро макomini яна бир бор тасдиқлаган бўлса-да, ўша даврдаги реал манзара унинг шухратига соя солиб турар, халқаро ташкилотнинг эътирофи эса шунчаки унинг ёши ва шонли ўтмишига кўрсатилган ҳурмат рамзидек таассурот қолдирарди. Инфратузилмани қўйиб турайлик, оддийгина маиший маданият деган матоҳ ҳам шаҳар ҳаётига бегонадек эди.

Вилоят иқтисодиёти ҳам худди шундай оғир аҳвол — таназулда эди. Саноат ва тадбиркорлик ривожланмаган, қишлоқ хўжалигида йиллар давомида йиғилган муаммолар аънавий тус олганди. Энг ачинарлиси, 4 миллионга яқин аҳолининг атиги 7 фоизи тадбиркорлик билан ишга солинмаганидан, аҳолининг тадбиркорлик ва бизнес ривожига бўлган ишончи сўнганидан ҳам дарак беради.

Ана шундай мураккаб бир паллада Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилояти ҳокими этиб тайинланди. У ўша пайтдаёқ яхши англаган эдики, бу нафақат тақдирнинг сийлови, балки вилоятда олис даврлардан тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий "мерос" қаршидаги синов ҳам эди. Шу сабаб у кўпчиликка ўхшаб ишни кабинетдаги мажлислар ёки "телефон бошқаруви" амалиётларидан эмас, тўғридан тўғри одамлар орасига киришдан бошлади.

Тушунмовчилик бўлмаслиги учун бир гапни айтиб ўтай. У кишининг ишлари, фаолиятини худди ёнида тургандай ҳикоя қилишнинг сабаби бор. Чунки Шавкат Миромонович вилоятга тайинланган илк давлар ва ундан кейин ҳам мен даярли доимо ёнлариде, ҳамнафас бўлганман. Шунинг учун аниқ эслайман, янги раҳбар илк иш кунини Самарқанд халқаро аэропортидаги ҳолатни кўздан кечиришдан бошлади (эҳтимол, бугун шаҳар кўрқига кўрк қўшиб турган янги аэропорт қурилиши шу маҳаллар у кишининг кўнглидан ўтгандир.) Ушунда бир гуруҳ фаоллар хамроҳлигида йўл-йўлакай кўчама-кўча, маҳаллама-маҳалла пиёда айланиб, худуднинг ҳақиқий аҳволи, одамларнинг қундалик дарду ташвишларини бевосита синчиклаб ўрганди.

Натижада шаҳардаги кўп йиллик лоқайдлик ва эътиборсизлик оқибатида йиғилиб қолган турли муаммолар бирма-бир юзага қалқиб чиқди. Айниқса, вилоятнинг оғир экологик ҳолати, қўчалар, маҳаллалар ва жамоат жойларида уюлиб қолган чиқиндилар Самарқандни тозалаш ва обод қилиш ишларини бирор кун ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифага айлантирганди. Муволафасиз айтганда, аҳвол, боя ўзим сўзим давомида шаҳар гигиенаси бобиде кесатган, танишларимиз сафар таассуротларидаги мамлакатларниқидан пеш эмасди. Шу боис бу борада жиддий "кураш" бошланди. Бугун ободлик ва озодалик бобиде ибрат намунасига айланган кетган ҳодиса — биргина вилоят ҳокимлиги ва унинг атрофидан қарийб 70 та юк машинасида чиқинди олиб чиқилгани вазиятнинг нечоғлиқ аянчи тус олганини тасдиқлаб турарди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас эди. Аҳвол шу даражага етиб боргандики, мавжуд куч ва техника бундай кенг кўламли ободонлаштириш ишлари, қолаверса, мақсадни тўлиқ амалга ошириш учун етарли эмаслиги аён бўлди. Ана шунда шаҳар ҳудуди секторларга бўлиниб, ҳар бир маҳалла ва кўчага аниқ масъуллар бириктирилди. Кейинчилик бутун мамлакат миқёсида жорий этилган "Сектор тизими"нинг дастлабки намунаси айнан шу жараёнда шаклланди.

Хуллас, йиллар давомида кўким (чиқинди) босиб кетган кўчалар ва маҳаллалар қисқа вақт ичида янгича қиёфа касб эта бошлади. Энг муҳими, ўзгарилган фақат марказий кўчалар ёки вилоят маркази билан кечлиниб қолмади. Илгари ҳеч бир раҳбар қадам босмаган чекка ҳудудлар, эътибордан панада қолган маҳаллалар ҳам янгилиш жараёнига "тортилди".

Кўпчилик яхши билади, шаҳар биқинидаги Файдоллар ва Сарбадорлар каби маҳаллаларда азизлар шу ерлик аҳоли "лўиллар" деб атайдиган юртдошларимиз истикомат қилишадими. Гарчи мавзудан чиқсам-да, гапим тушунмовчиликлар келтириб чиқармаслиги учун очик айтиб қўйай: ташқаридан қараганда, инсонга нисбатан гўё камситиш ёки миллий айирмачиликка ўхшаб туоладиган таъриф аҳоли орасидаги мутлақо ҳаётий муносабат аслида. Чунки халқимиз бирор ижтимоий жамоанинг "ким"лигини ифода-лаш учун "қозоқлар", "қирғиз", "тожик" ёки янада традиционал қатламга ўтадиган бўлсак, "қўнғиротлар", "барлослар" деган этник тушунчаларни бажонидил қўллаиди ва бу айб ҳам, ҳақорат ҳам ҳисобланмайдими. Айни концептдан келиб чиқсак, лўиллар ҳам ҳаммамиз қатори шу юртнинг фарзандлари саналади. Шу ўринда мен айтмоқчи бўлган фикр бу мулоҳазалардан анчагина фарқли, яъни Шавкат Миромоновичнинг инсонпарварлиги, одамларга бўлган юксак ҳурмати, меҳри билан боғлиқ масаладир. Самарқандни билган одамлар яхши хабардор, бу маҳаллаларда яшовчи аҳолида шу пайтгача на туғилганлик ҳақида гувоҳнома, на паспорт бўлган. Очиғи, ушбу амалиётни амалга ошириш ҳақида кимдир ўйлаб кўрганга ҳам шубҳа бор. Шавкат Мирзиёев эса уларга қонуний тарзда шахс, яшаш ва мол-мулк ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ва паспорт бериш тизimini йўлга қўйди. Ушбу юртдошларимиз ҳам ватанимизнинг чин фуқаролари бўлиш шарафига муяссар бўлишди. Маҳалланинг мактаб остонасини кўрмаган болалари илм даргоҳларига жалб қилинди. Аҳолининг идора-идора юриб сарсон бўлишига сабаб бўлган оғрикли муаммолари югур-югурсиз айнан шу ернинг ўзида ҳал этилди.

Бир сўз билан айтганда, одамларнинг дардини эшитиш, муаммони жойида ҳал қилиш, энг муҳими, "Давлат — халқ учун" деган эсғу тамойил — ана шу давр бошқарувининг асосий мезонига айланганди.

## VI

Эслатиб ўтганимиздек, Самарқанд фақат "Самарқанд"дангина иборат эмас. Ушбу топоним фақатгина меъморий артефакт ёки маданий меросдан ташқари, шу диёрда минг йиллардан буюн яшаб келаётган миллионлаб одамлар — самарқандликлар ва уларнинг ҳаётини ҳам ифода этади. Шундан келиб чиқиб гапирадиган бўлсак, вилоят маъмурчилиги ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш кераклигини англаб етатиш. Чунки кўҳна шаҳарга нур ва шукўҳ берадиган энг муҳим сифат — халқнинг кайфияти, туриш-турушидан розилик аломати бўлган, кўзалридаги қувонч ва шодлик учқунларидир. Айни нуқтаи назардан олиб қараганда, ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш ҳам ўта долзарб, ортага суриб бўлмайдиган вазифа эди вилоятда. Нимагаки, худуддаги йўлда-жулдулик, самарасиз қарор ва топшириқлар, ташаббуслар одамларни ишдан беширдиган, давлат ва умумийсатга ишончини сустиртганди. Шавкат Мирзиёев келганидан тасминан бир йил ўтиб, анкироғи, 2002 йилнинг биринчи чорагида вилоят иқтисодиётида кескин ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди: саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 107,3 фоизга, халқ истеъмоли моллари эса 112 фоизга бажарилиб, барқарор ўсиш суръатлари қайта этилди. Албатта, бу натижа ортида одамларнинг қайта уйғонган ишончи, бошқарувга нисбатан тикланаётган умиди ётарди. Бироқ вилоятнинг асосий драйвери бўлган қишлоқ хўжалигидаги аҳвол ҳамон мураккаб эди: ер унумдорлиги, яъни бонитет даражаси кескин пасайиб, айрим ҳудудларда 10 балгача тушиб кетгани ҳисобланади кескин таъсир кўрсатганди.

Айни вазиятдан чиқиб шу учун Шавкат Мирзиёев масалага илмий ва амалий нуқтаи назардан ёндашди. У кишининг ташаббуси билан кўпни қўрган оқсоқоллар, чуқур билим ва таърибга эга мутахассислар ҳамда деҳқонлардан иборат "Маслаҳат кенгашлири" тузилди.

Ташқаридан қараганда, ортиқча доврқисиз бу ташаббус вилоят ҳаётида туб бурилиш ясади. Негаки, халқ таърибаси ва кўмагига асосланган айни тузилма давлат билан халқ ўртасида зулган ришталарни тиклади. Бошқача айтганда, ушбу механизми ерга бўлган муносабатни қайта қўриб чиқиб, мавжуд муаммоларни жойида таҳлил қилиш ва аниқ ечимлар ишлаб чиқишда муҳим омил бўлди. Шу ёндашув орқали ер унумдорлигини тиклаш — илмий ҳисоб-китоблар ва амалиёт уйғунлигида ҳал этила бошланди.

Мавжуд имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиш натижасида ҳар гектар сувли ерга 20,5 тоннадан маҳаллий ўғит бериш тизими йўлга қўйилди. Орадан қисқа вақт ўтгач, бу ишларнинг ижобий самаралари аққол кўрина бошлади — тупроқнинг биологик ҳолати яхшиланиб, ернинг табиий



# ШАВКАТ



унумдорлиги аста-секин тикланди. Ислохотларнинг навбатдаги босқичида ҳудудларнинг табиий-иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, уларни ихтисослаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир тумanning ўзига хос салоҳиятини очиш ва қишлоқ хўжалиги самардорлигини оширишда муҳим стратегик қадам бўлиб хизмат қилди.

Жумладан, Тойлоқ тумани ғаллачилик-ка ихтисослаштирилиб, шаҳсан вилоят раҳбарининг ташаббуси ва қўллаб-қувватлови билан Украинадан серхосил бўғдой уруғлари олиб келинди ҳамда синовдан ўтказилди. Натижада гектаридан ўртача 50 центнергача ҳосил олиншига эришилди.

Самарқанд туманида илгари эътибордан четда қолган тошлоқ ва унумсиз ерлар ўрнида замонавий интенсив боғлар барпо этилди. Бу ташаббус ҳудуд киефасини ўзгартарибгина қолмай, қишлоқ хўжалигида қўшилган қийматни ҳам сезиларли даражада оширди.

Ўн беш чақирим атрофида бирорта уй бўлмаган дашту далаларга ҳам уч-тўрт қаватли коллежлар барпо қилиб ташладик.

Оқибати нима бўлди? Буни айтмасам ҳам барчамиз яхши тушунамиз, англаймиз. Бу ерда энг оғир йўқотиш ўрта таълим тизими соҳасида бўлди. Мактаблар қурилиши, уларга бўлган эътибор кескин тушиб кетди. Ҳамма жойда бўлган каби бунинг оғирлиги оқибатлари Самарқанд вилоятида ҳам кўринди. Ҳудуддаги қарийб 1050 та мактабнинг аҳоли ачинарли даражага келиб қолди. Яъни, уларнинг деярли учдан бир қисми капитал таъмирга муҳтож, томларидан чакка ўтар, деворларини зах босган, синфхоналари эса ўқувчилар таълим олиши учун мутлақо яроқсиз ҳолда эди.

Иштихон ва бошқа туманларда маҳсулотларни сақлаш ва бозорга узлуксиз етказишни таъминлаш мақсадида замонавий музлаткичи ombорхоналар қурилди. Бу эса сархил маҳсулотлар йўқотилишини камайтириб, фермерлар даромадини оширишга хизмат қилди.

Шавкат Мирзиёев томонидан ўша йилларда қишлоқ хўжалигида асос солинган тизимли ёндашув кейинчалик вилоят аграр тармоғининг муваффақият гаровига айланди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Зеро, бир вақтлар қатқалак ерга айланган, ҳосилдорлиги паст далаларнинг яшил боққа дўниши, бу шунчаки агротехник тадбирлар самараси эмас, балки дехқон ва фермерлар кўнглига йўл топишининг ўзига хос ифодаси бўлди.

Айтиш ўринлики, ушбу ислохотлар доирасида яна бир оғирлиги муаммо — ҳудудларни обихаёт билан таъминлаш масаласи ҳам кун тартибига чиқди. Сир эмас, бир вақтлар Қўшрабат туманидаги минглаб гектар ер майдонларининг “тақдирини” бутунлай ёнгингарчиликка боғлиқ эди. Ҳатто айрим вақтларда лалмикор ерлар сувсизликдан қажраб, тупроқ ёрилиб кетар, дехқоннинг машаққатли меҳнати беҳуда сафб бўлганини кўриб, одамнинг беихтиёр ичи ачирди. Аммо олдинги раҳбарларда ҳам шундай уяқиниш туйғуси бўлганини, йўқ, буни билмадим-у кейин ҳам бунини кўриб чидаб туролганини бор гап. Айнан ўша йиллари Шавкат Мирзиёевнинг қатъий иродаси ва узққни кўзлаб юритган сиёсати туфайли ҳудудда сел сувлари тўпланадиган “Оқочсой” сув ombорига тамал тоши қўйилди. Шу билан бирга, табиий манбалар ва мавсумий сел сувларидан оқилона фойдаланиш мақсадида “Оқтепасой” сув ombорини барпо этиш гоёси ҳам илгари сурилди. Ушбу ташаббуслар минглаб гектар лалмикор ерларни обихаёт билан таъминлаш, унумдорлигини ошириш ва ҳудуд киефасини тубдан ўзгартаришга қаратилган муҳим стратегик қадам сифатида тарихий аҳамият касб этди.

## VII

Азал-азалдан сув барака ва фаровонлик рамзи сифатида эъзозланиб келинган. Эҳтимол, шу боис халқимиз у билан боғлиқ кўплаб ибратли ривоятлар тўқинган, булоқ ва чашмаларга муқаддасот сифатида таъриф берган. Шунинг учун ҳам Самарқанд вилояти аҳлининг Сангин-Чашмасиёб, Сангарсон-Наводон, Обирахмат, Обимашат каби булоқлар ва жилғаларнинг зилол сувларидан баҳра қилган инсон “ғуҳоқларидан покланади”, деган мулоҳазаларига ҳеч ким шубҳа билан қарамайди, балки оқаётган сувдан қониб ичишга интилади.

Аммо минг афсуски, ўз вақтида маҳаллий сиёсатда тарихий ва одамлар азиз билган бундай булоқларни асраб қолиш у ёқда турсин, шаҳар аҳолисини оддий ичимлик сув билан таъминлаш ҳам энг оғирлиги муаммога айланди.

Йиллар давомида эътибордан четда қолган сув қувурлари чириб, хизмат муддатини ўтаб бўлган, уларни зудлик билан янгилаш ҳам долзарб аҳамият касб этганди. Қолаверса, шаҳарда аҳоли нуфуси кун сайин ўсиб, мавжуд имкониятлар одамлар эҳтиёжини қоплай олмаётган бўлди. Вилоятнинг янги раҳбари обихаёт таъминоти тизимини ислох қилиш, кўҳна кентнинг “қон томирлари”га қайта жон бағишлаш йўлида ҳам қатъий қадамлар ташлади — аҳоли тоза ичимлик сувдан муаммосиз баҳраманд бўла бошлади.

Бундан ташқари, тоза ичимлик сувни 3-4 километр масофадан ташиб ичган Нуробод туманидаги Сазагон, Тепакул ва Оқсой қишлоқлари аҳолисига янги сув дуқуллари қазилиб, уларнинг обихаётга бўлган талаби ва эҳтиёжи қондирилди. Бу жараён ўз назмун-моҳиятига кўра, вилоят аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, инсон қадрини улуғлаш ва одамларнинг юзига табассум улаштириш йўлидаги муҳим ислохотлардан бири бўлди.

## VIII

Ҳаммамизга маълум, Шавкат Мирзиёев Самарқандда кўп муддат қолмади: умумий ҳисобда икки-уч йил. Бироқ у киши қолдирган из, аънаналар мудом ўз аҳамиятини йўқотмаган. Яхши эслаймиз. Бир вақтлар мамлакатимизда таълим соҳасида турли ислохотларга қўл урилди, мажозий айтганда, бошимизни тўғри келган деворга бир-бир уриб чиқдик. Шундай билармонликларимиздан бири “коллективизм” сиёсати эди. Биз ушбу “таълим стратегияси”га шу қадар берилиб кетдикки, илҳомимиз тийиксизлигидан, ҳатто, ўн-

## Бу ҳолат юрт келажиги, миллат тақдирини ўйлайдиган ҳар қандай одам кўнглини ташвишга солиши табиий эди. Шу боис Шавкат Мирзиёев фаолиятининг тўртинчи кундаёқ Паст Дарғом туманидаги 72-мактабга борди. У ердаги манзарани кўриб, ҳар қандай инсоннинг юраги ларзага келиши тайин эди: хом ғиштдан қурилган, томсувоқли, совуқ кунларда иситиш имкони бўлмаган бу хараба масканда 200 нафар болажон тақдирнинг аччиқ синовига дош бериб, илм оларди...

Молиявий имкониятлар чекланган, маҳаллий бюджет деган тушунчалар худди сиёсий латифадек туюладиган оғир бир шароитда вилоят ҳокими айни вазиятдан чиқишининг энг тезкор ва мақбул йўлини топти — бўш турган қурилиш ташкилоти биносини мактабга мослаштириш ташаббусини илгари сурди. Бу фавқулодда қарор ўша вақтдаёқ Шавкат Мирзиёевнинг “йўқ” дан “бор” қила олиш қобилиятини намоён этганди.

Бино қисқа фурсат ичида чинакам ўқув масканига айлантирилди ва қиш остонасида ўқувчилар илк бор иссиқ ва ёруғ синф хоналарига кўчирилди. Ушбу эзгу ташаббуснинг мантқиқий давоми сифатида эса 2002 йилда шу ҳудудда мухташам, икки қаватли янги мактаб биноси қад ростлади. Бугун ўша жой ўрнида барпо этилган замонавий, барча шароитларга эга таълим даргоҳида 700 нафарга яқин ўғил-қиз билим олмақда.

Шу ўринда мен эътиборингизни муҳим бир нуқтага қаратмоқчиман. Шавкат Мирзиёев молиявий имкониятлар чекланган, мактаблар “коллективизм сиёсати” соясида қолиб кетган замонар таълим тизимини қўллаб-қувватлашининг ўзига хос янги тизими — “ёрдамчи хўжалик” моделини жорий этди. Унга кўра, мактаблар қошида ҳомиёлик ва ташаббускорлик асосида ёрдამчи хўжаликлар ташкил қилинди. Улардан тушган маблағлар бевосита таълим муассасаларини ободонлаштириш, инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ўқув муҳитини юксалтиришга йўналтирилди.

Бундай ноанъанавий, аммо халқ манфаатини кўзлаган амалий қарорлар туфайли қисқа вақт ичида вилоятдаги юзлаб мактабларнинг моддий-техник базаси янгилашди, эски ва хароб мактаблар ўрнида мулқалоқ замонавий қулай ва барча шарт-шароитларга эга таълим муассасалари қад ростлади.

Айниқса, шундай оқилона ёндашув туфайли Самарқанднинг турли гўшаларида қад ростлаган 20 дан ортиқ спорт иншоотлари, собиқ “Ремзавод”нинг ташландиқ ҳудуди ўрнида барпо этилган Олимпия захиралари спорт мактаби ҳамда “Ёшлар маркази” минглаб ўғил-қизларнинг орзулари рўёбга чиқадиган сеvimли масканга айланишини бугун алоҳида қайд этиш ўринли деб ўйлайман. Бугун кўпчилик самарқандликлар яхши эслашади: ўша кезларда Тойлоқ туманида 5 минг ўринли мухташам стадион фойдаланишга топширилган эди.

Энг қизиги, ушбу иншоотларнинг ҳеч бири давлат бюджети ҳисобидан қурилмаганди. Бу эса “Излаган имкон топар”, деган ҳикматли ибора нечоғлик ҳақиқат эканини амалда яна бир бор тасдиқлайди.

Шавкат Мирзиёевнинг устоз ва мураббийларга бўлган чексиз ҳурмати шунчалик эдики, у умуман имконияти йўқ даврда ҳам уларга муносиб шароитлар яратиб бериш йўлида ўзини қийнади. Айнан шу эзгу ният ифодаси уларок, Оқдарё туманидаги собиқ “Колхозстрой”нинг қаровсиз ҳудуди ўрнида замонавий “Устоз” санаторийсининг барпо этилиши вилоят раҳбарининг маърифат аҳлига бўлган чексиз ҳурмати ва юксак эҳтиромини яна бир қарра намоён этди. Шу маънода айтиш мумкинки, бу масканнинг номи ҳам, моҳияти ҳам ўша кезлардаёқ кейинчалик мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган муҳим ҳаётий ҳақиқатини англайтиб турарди: “Миллат тарбиячисини эъзозлаган халқнинг келажиги порлоқ бўлади”.

Сезиб турибман, мақоланинг сўнгги қисмлари сизни зериктирди. Эсангизни қотирган бўлса ҳам ажабланмайман. Руҳи, матндаги хронологик оҳанг совет ва ундан кейинги турғунлик йиллари кайфиятини эслатувчи айни йўналиш бугун ҳаётимизда фавқулодда “бегона”га айланиб қолгандек... Ҳолбуки, ўша даврда ғалладан хирмон-хирмон ҳосил олиш, қизиқчимиз айтганидек, “ерни чуқурроқ ҳайдаш” ва ҳатто мутахассислар ва дехқонларгина тушуниши мумкин бўлган терминларни қалаштириб нутқ қилиш, мақола ёзиш нормал қабул қилинарди. Чунки даладан бошқа ўйлайдиган, гапирадиган, кўкрак кериб фахрланадиган ҳеч бир сифатимиз йўқ эди. Собиқ марказдан келиб далага қандай қадаб кетган бўлса, истиқлолга эришганимиздан кейин ҳам тафаккур онгимиз узоқ йил эгатлар орасида қолди. Пахта ва ғалла, кенг маънода айтганда, зироатчилик ҳаётимизнинг барча жабҳасида ижтимоий-сиёсий кулът сифатидаги таҳаққум — доминантлигини худди совет даврларидагидек акс эттириб турди. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, айни сафарбарлик ортида “стратегик аҳамият”дан бўлак яна бир муддао — жамиятни манипуляция қилиш истаги ҳам яширингандек эди. Яъни, одам тинимсиз нимагадир ундаб турилса, матбуот эртдан то кеч зарбдорлик, дала ишлари, етиб бўлмайдиган “план” ҳақида муттасил гапирарваса, бу ҳолат ҳар қандай эркин тафаккурга ҳам путур етказди. Одамлар фикрини жамовий тарзда бир нуқтага “йигиш”, барча ўй-хаёлларни умумий бир ўзанга бўйсундириш, табиийки, шахсий фикрни живолвайди. Ҳур фикрнинг шаклланмаслиги эса бизнинг классик ақидаларимизга уйғун келарди.

Умумий маънода озодлигимизнинг дастлабки чорак асрига жиддий қарайдиган бўлсак, эркинликимиз назарий, ҳурриятимиз қайсидир маънода “қарам мустақиллик”дек туюлар эди. Кўча ва хиёбонларимизга оқилдагидан широларимиз ҳам бунини бот-бот эслатиб турарди: “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма!” Айнан мана шу эскисини бузмай сақлаб қолиш “анъанаси” миллат ва давлат “коди” мақомидаги миллий рамзларимизда ҳам ўз “таровати ва теран гўзаллиги”ни акс эттиришга улғурди. Дейлик, мустақилликка эришганимиздан кейин ҳам гербимиздаги чамбаракка олма-ла ўрлаган “ифтихоримиз рамзи” бўлган пахта ва ғалла тасвирлари ўзгармади. Нега? Ҳолбуки, Президентимиз кўп бор айтганларидек, пахтадан оладиган даромадимиз ўша йиллари бир миллиард долларга етиб-етмаган. Шу ҳолича ҳам ушбу дехқончилик маҳсулотлари бизнинг ижтимоий-маънавий идентикларимиз белгиласи керакми? Биз ўз асрий орзу-армонларимиз, улуг ниятларимиз ва бу жаҳондаги руҳоний “ўзлигимиз”ни шу ўсимликлар сиймосида кўришимиз керакми?.. Албатта, бу мустақилликдан кейин ҳам бир оёғимиз мафкуравий жиҳатдан собиқ тизим харобалари узра қолиб кетганини англашди.

Мен бекорга бу тўғрида гапирмадим. Чунки айни нарратив “Мирзиёев даври” бизнинг дунёқарашимизни қандай ўзгартирганини яхши кўрсатиб бера олади. Масалан, сал аввал эслаганимдек, бир замонлар нафақат актуал, балки сиёсий аҳамият касб этган “қишлоқ хўжалиги” турғунлари бугун ҳаётимиздаги кўрли ўрнини йўқотди. Шунинг учун ҳам бу мавзуда ёзиш ва ўқиш эндиликда нафақат анъандан чиқди, балки моҳияти эриқарлик, примитив бўлиб қолди. Онгимизда сокин амалга ошган, ҳали деярли таҳлил этилмаган айни янгилашилар бизга бир нарсани очик эслатиб туради: бизда иттифоқ парчалангандан кейин ҳам эркинлик масъулиятдан хавотир ҳисси бор эди. (Эҳтимол, бу сиёсий ҳокимиятни “йўқотиб қўйиш”дан кўриқиб бўлгандир). Жумладан, традиционал тутумлардан воз кечмаслик, бошқарув ҳамда жамият ҳаётидаги “анъанавий руҳ”ни сақлаб қолишга интилиш сезилар, шунинг учун широларимиз ҳам, ҳали айтиганимдек, миллий озодликдан кўра кўпроқ яқин ўтмишга қайта чорлаётгандек туюларди. Вақт шуни кўрсатдики, мустақиллигимиз ва ўзлигимизни ифода этувчи символларимиз — давлат рамзларимиз моҳиятида ҳам ўтган асрнинг 90-йилларидаги сиёсий хавотир, қўрқув ва иккиланш тајассум топган. Айни мавзудаги сўзимни ақунлаб, шуни айтишим мумкинки, бу олмон файласуфи Эрих Фром тасвирлаган “Озодликдан қочиш” феноменига жуда яқин ҳодиса эди.

Айтилган мулоҳазалар бизнинг та-саввурларимизда бугун мамлакатимизнинг уч хил характердаги кўринишини акс эттириши билан ниҳоятда аҳамиятли: “совет ўзбекистони”, “посткоммунистик ўзбекистони” ва “Янги ўзбекистон”...

## IX

Ҳеч эсимдан чиқмайди: у киши Самарқандда ишлаётган даврларда ёнма-ён кетарканмиз, ҳазил аралаш савол бердим: “Гоҳ-гоҳида ухлаб ҳам турасизми, Шавкат Миромонович?!”

У киши ўз одатига содиқ ҳолда жилмайиб жавоб қилди: “Манзилдан манзилгача мошинада нима қилиш мумкин?”

Сўхбатимиз гарчи мутойиба руҳида кечган бўлса-да, унинг замирида ҳақиқат яширин эди. Мен очик айтаман, шу пайтгача унинг қайси маҳал ухлаб ёки оёқ узатиб дам олишини ҳеч ким аниқ айтиб беролмас керак. Юраги Ватан ва халқ дарди, меҳру муҳаббати билан уриб турадиган, ўз сурати ва сийратида **МИЛЛАТ ШАВКАТИ** тим-солини тобора ёрқин ифода этиб бораётган Шавкат Мирзиёевдан биз, келажак авлод, қолаверса, тарих ҳали кўп нарсани ўрганиши, сабоқ чиқаришига ўзида қучли эҳтиёж сезишига мен аниқ ишонаман.

Ҳеч бўлмаганда, биргина Ватанин, унинг тарихи ва ўз халқини севишни у кишидан ўрганиш, ўзлаштириб олишининг ўзи ҳам оламни гулистон қилишга етадиган қудрат ва салоҳият солади қалбингизга.

Шавкат Мирзиёев Бош вазир бўлиб ишлаган йилларда ҳам бу кўҳна заминдан узилиб кетмади. “Самарқанд руҳи”ни “сайқаллаш”, қолаверса, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти доимо эътиборда турди.

Ана шу эзгу қараш ва ёндашув Самарқанднинг маънавий ҳаётида туб бурилиш ясади. Шаҳарда Регистон, Шох Зинда, Амир Темур, Бибиҳоним, Хожа Дониёл, Рўҳобод, Ҳазрати Хизр, Расадхона, Дахдех, Нодир девонбеги, Ҳўжа Аҳрор Валий ёдгорлик мажмуалари тарихий киефасига мос тарзда тикланди.

Энг муҳими, бир вақтлар қаровсизлик ва ноқонуний қурилишлар туфайли маҳаллалар ораси, қишлоқларнинг уй-жойи остида қолиб кетган муқаддас қадимчи — Имом Мотуридий ҳазратларининг қабри топилиши маънавий-маданий ҳаётимизда улкан воқеаликка айланди. Улуғ алломанинг муборак номи, беназир илмий-маърифий мероси ва буюк таълимоти яна халқ қалбига юксак эҳтиром ва иззат-иқром билан қайтарилди.

Мен шу ўринда бир ҳақиқатни рўйирост айтишни истардим: аслида ҳозирги Самарқанднинг қайта шўҳрат топиши ва дунё саҳнида яна “Ер юзининг сайқали” деган шарафли номга чин маънода муносиб қўрилиши айнан ўша вақтда бошланган мана шундай маънавий уйғонишдан куч-қувват олган, десам, сира янглишмаган бўламан.

Зеро, Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилояти раҳбари сифатидаги фаолияти даврида асос солинган маънавий уйғониш кейинчалик бутун мамлакат тақдирини ва тараққиёт йўлини белгилаб берган улкан стратегик ислохотлар учун мустаҳкам асос бўлди. Муҳими, бу ўзгаришлар қуруқ шор ёки балиндарвоз давлатлар сифатида эмас, балки халқимиз тафаккури ва қарашларини ўзгартирган ислохот сифатида уларнинг ҳаётига чуқур кириб борди.

Бугун халқимиз қалбида жо бўлган миллий ўзлиқни англаш ва миллат тарихи билан боғлиқ тушунчалар, маънавий қадриятларга нисбатан шаклланган юксак ҳурмат ва муқаддас қадимчи, бебаҳо тарихий обидаларни бунёд этиш ҳамда уларни асраб-авайлашга бўлган дахлдорлик ҳисси замирида ўша йилларда ёнган миллий ғурур ва ватанпарварлик машъаласининг қудратли нурини кўриш мумкин.

## X

Мақола аввалида Самарқанд гарчи бир неча минг йиллик тарихга эга бўлса-да, унинг шонли ўтмишида ўз номини қолдира олган бунёдкорлар санокли деган эдим. Агар сиз бу ўтмиш гавҳари бўлган шаҳарга яқин орада бормаган бўлсангиз, энди бординг, унинг гўзаллигини завқлангиз, саҳнидан нур ёғилиб турган майдонлари, муаззам Имом Мотуридий, Имом Бухорий қадимжоларини зиёрат қилинг. Тарих ва бугун уйғунлашиб кетган “Боқий Самарқанд” ансамблини кўринг. Бозорлар, маҳаллалар, кўчаларни кезиб, одамларнинг юзу кўзига боқинг. Чор атрофда таралиб турган қадим ўтмиш ва замон оҳангларига қулоқ тутинг...

Шунда англайсизки, руҳиятингизда пайдо бўлган илиқлик, қалбингизга инаётган шукҳ қадим Самарқанд руҳиятидир. Эҳтимол, ўша дам юрагингизда шаҳар тарихида из қолдирган Ватан фарзандлари номини яна узайтиришга иштиёқ пайдо бўлар...

У киши бугунгача босиб ўтган йўл одам қалбида шундай эзгу туйғуларни уйғотади. Зотан, бу йўл шарафли ва шавкатли йўлдир.

Бир пайтлар Уинстон Черчилль ўз замонасига ишора қилиб, “Биз улкан воқеликлар ва майда одамлар даврида яшамоқдамиз”, деган эди. Киноя аралаш айтилган айни маломат орадан бир асрга яқин вақт ўтса-да, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагандек. Айниқса, нолиш ва исмисиз нафрат тобора миллий қадриятга айланиб бораётган бизнинг бугунги кунларимизга ҳам тааллуқли бу гаплар, десам, ҳеч ҳам адашмаган бўламан. Хусусан, бу аччиқ таъна кўз ўнгимизда бўлаётган шунча ўзгаришлар, янгилашиларнинг қадрига етмаётган, кўриб кўрмаганга олаётган “майда одамлар”га тегишли, албатта.

Ўзбекистон бундан ўн йил бурун қандай эди, ҳаётимиз, шароитларимиз, туриш-турмушимиз, тафаккуримиз, бийрон тизимимиз ҳоли нечоғли эди, ўша пайтларда?! Афсуски, одам боласи тез унутади. Қадрига етиш, шукр қилиш деган оддий инсоний туйғуларни ҳам эсдан чиқаради. Кўз ўнгимизда юз бераётган катта ўзгаришларнинг фарқига бормади ёки билиб туриб такаббурлик қилади.

Яқинда ёши саксонга бораётган бир танишим “Фалончи қамалганди, ўғли лавозимга ўтирибди. Фалончи ишдан олинганди, уч ой ўтмай сал бундайроқ бўлса ҳам вазифага қўйилибди. Мен тушунмадим, нега бундай бўляпти?” деб сўраб қолди.

Очиғи, у кишидан ҳафа ҳам бўлмадим, гапига ҳайрон ҳам қолмадим. Негаки, битта у эмас, аксариятимизда шундай фикр бор: биров қамалгани, уруғ-аймоғи билан “супурилиши” керак, ишдан кетган одам нафақат сиёсий саҳна, ҳатто жамоатчилик назаридан узоқда, кўзга кўринмай юришга маҳкум...

Тўғри, илгари шундай эди. Бугун замон ҳам, сиёсат ҳам ўзгарди. Бироқ таассуфки, жамият бунини тўғри англаб ололмаётган. Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришлар ва уларга муносабатимизни кузатиб туриб, баъзан бир нарсга ҳайрон қоламан: бизда ҳам фахр, Миллат ва Ватан зафарларидан қувониб ғурурланиш ҳиссиёти борми ёки бу туйғуларимизни ҳам мустабиллик тўфонларига “ем” қилганимизми? Шунча ишлар, ўзгариш янгилашилар бўлаётган, аммо аксарият холларда уларга ёндашувимиз, ҳали айтган танишимникидек, ўта носоғлом...

Майли, тарғибот, Президент сиёсати, бугунги кунларимиз қадрини одамларга кенг ва бағурча шарҳлаш, тушунтириб бериш амалиёти, бироқ бу ишларимиз ҳозирда кўнглидагидек кечмаётгани алоҳида мунозара мавзуси. Аммо биз, тарихи минг йилларга тенг халқ, ўтмиши афсонага айланган юрт фарзандлари сифатида қалбимизда миллий ғурур туйғусини шакллантиришни ўрганишимиз бугун жуда долзарб деган бўлардим.

**Мен ўтган йили Президентимизнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашувида у кишига юзланиб, шундай мурожаат қилган эдим: “Бундан 6-7 аср илгари бу юртда кўтарилган муаззам байроқ ўз атрофида жаҳонни бирлаштирган, ўзига қаратган эди. Бу, шубҳасиз, буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур қурган қудратли давлатнинг байроғи эди. Орадан қарийб етти аср ўтиб, узоқ йиллар кўздан панада қолган ўша байроқ бугун яна қайпирай бошлади. Бу байроқ бугунги Янги Ўзбекистоннинг байроғидир. Бугун жаҳон узра мағрур ҳилпираётган ушбу байроқни Сиз кўтардингиз, мухтарам Шавкат Миромонович!”. Мен бугун ҳам айни фикримда собитман!**

**Ustoz 85 ёшни qarshiladi. Lekin u kishining nasabidan yuqori ishtiёk va xarakatini kўrib, ana shunday insonning safdoshi ekanligimiz bilan faxrlanib yoramiz. Buning ustiga domla duning mahanman degan neyrojarojlaridan biri hisoblanadi.**

Abduraхmon akadaгi samimiyaт хамиша бир хилда, равон, мулоим гапириш хислати, хайётнинг неъматларидан илм олиш, одамларга яхшилик қилиш каби фазилатларига ўрганиб қолганмиз. Шу сабабли у киши мартабали шўли сифатида эъозланади.

Деновинг Жийдабулок қишлоғидан Самарқандга илм излаб келган ўспирин А.Мамадалиев кўпда давлатлар тиббиёт олий ўқув юртлари академиги, Жаҳон нейрожаррохлик жамиятлари федерацияси (WFNS) аъзоси.

Табийки, бу йўл осон кечган эмас. Чунки у 1959 йилдан бугун умрини Самарқанд давлат медицина университети билан боғлаб келади. Ярим асрдан зиёдрок вақт ичида бир жойда ишлаб, изланиб, мамлакат нейрожаррохларининг устози даражасига эришди. Олийгоҳдаги хизматларини босқичма-босқич ўтади,

## Мартаба осмондан тушмайди

Профессор Абдураҳмон Мамадалиев сийратига чизгилар

қаноат қилди, устозлар этагини ушлади. Кафедрани мудир, декан ўринбосари, декан, проректор, хатто ректор вазифасини бажарувчи сифатида ҳам фаолият кўрсатди. Бундай қизгин жараён учун домла ўзида барча инсоний фазилатларни топди, намойиш қилди.

Н.Бурденко номли нейрожаррохлик илмий-тадқиқот институти докторанти сифатида ишлаб жараёнда соҳага оид дунёвий муаммоларга дуч келди. Бу масалаларни ўрганиш баробарида ўзи ҳам тажриба орттирди. Самарқандга қайтгач, қадрдон масканида нейрожаррохликнинг ривожланиши учун енг шимариб ишга тушди. Домланинг ташаббуси билан Самарқанд федерациясининг халқаро талабга қараб ривожлантириш ташаббусларини илгари сурмоқда. Университетда алоҳида нейрожаррохлик ҳамда ҳарбий дала жаррохлиги кафедраларининг очилишида ҳам домланинг муносиб хиссаси бор. Устознинг савий-харақати, университет маъмуриятининг қўллаб-қувватлови натижасида олийгоҳда нейрожаррохлик ва нейрореабилитацияга ихтисослаштирилган илмий-ама-



лий марказ фаолият юритмоқда. 1984 йил Самарқандда янги нейрожаррохлик клиникаси қурилиб ишга туширилиши, унинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишида домланинг хизматлари катта. Кейинчалик Термиз, Қарши, Жиззах, Бухоро шаҳарларида ҳам ана шундай шифохоналар ташкил этилди. Бугун устоз ана шу тиббий муассасалар билан ҳамкорликда ишлайди, операцияларга қўмақлашади, маслаҳатлар беради, қўллаб-қувватлади.

Дарвоқе, олимнинг илмий ва ўқув-услубий ишлари 850 дан ошиб кетди. Уларнинг муайян қисми хорижий журналларда чоп этилган. Шу йўналишда яратган 11 та ихтироси, 16 рационал заторлик таклифи амалиётда қўлланилмоқда.

Домланинг столида хамиша таклифномаларга кўзимиз тушади. Эрфурт (Германия), Дехли, Торонто, Ислмобод, Сидней, Москва, Киев, Олмаота, Минск, Тбилиси, Таллин, Флорида, Жакарта... санаб адоғига етолмайсиз. Аммо захматқаш олим буларнинг барчасини ўзининг салоҳиятига баҳо, деб ҳисоблайди ва эътибор билан ёндашади. Ҳар бир анжуман учун алоҳида маърузалар, таклифлар тайёрлайди. Баъзида у кишининг тинимсиз харақатини кўриб, жамиятимиз

ана шундай фидойи инсонлар билан бутун еканлигига иймон келтираман.

Албатта, инсоннинг тақдирининг насл-насаби, болалиги билан боғлиқ. Эҳтимол шу сабабдир, домла бугунгача жамият эъозидида. Устознинг турмуш ўртоғи Хосият Ахмиразева олий тоифали офталмолог. Қизлари Саодат Самарқанд медицина университети клиникасининг биринчи тоифали шифокори, Феруза врач-рентгенолог, Наргиза врач-офтальмолог, Адолат хусусий клиника раҳбари. Саққиз набиранинг уч нафари бобоси изидан бориб, тиббиёт университетида ўқишапти.

Домла кўнгилочар давраларга вақт тополмайди. Мабодо келиб қолса, ҳамкасблар ва шогирдлар учун байрам. Чунки у кишининг суҳбати чинакам илмий ва ҳаётий сабоқ. Эро, Абдураҳмон аканинг салоҳияти мамлакатимизнинг «Дўстлик» ордени, биринчи даражали «Меҳнат фахрийси», «Соғлиқни сақлаш аълочи» нишонлари билан эътироф этилган.

А.Мамадалиев жамиятимизга қанчалик хизмат қилган бўлса, бундан кейин ҳам тиббиёт ривожига, миллий маънавиятимизнинг юксалишига биз, шогирдлар учун ибрат бўлиб қолаверадим.

**А.ШОДИЕВ,**  
**СамДТУ профессори,**  
**тиббиёт фанлари доктори.**  
**М.АЛИЕВ,**  
**доцент.**

**Инсон борки, ўз меҳнати, илмга садоқати ва одамийлиги билан эл-юрт хурматиға сазовор бўлади. Ана шундай устозлардан бири Самарқанд давлат университети Биокимё институти профессори Учқун Норқуловдир. Уни нафақат ҳамкасблари, балки шогирдлари, талабалар ҳам юксак эҳтиром билан тилға олади.**

## Илмга бағишланган умр

Учқун Норқулов 1963 йил 25 май куни Жиззах вилоятининг Фориш туманида туғилган. Урта мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ илмга чанқоқлиги изланувчан ва тиришқоқлиги билан ажралиб турарди. 1980 йилда мактабни олтин медал билан тамомлаб, Самарқанд давлат университетининг кимё факультетиға ўқишга кирди. 1985 йилда кимёгарлик мутахассислиги бўйича битириб, шу даргоҳда илм йўлидаги фаолиятини бошлади.

У.Норқулов 1994 йилда номзодлик диссертациясини химёга қилди. Илмий изланишлари, педагогик маҳорати ва самарали меҳнати туфайли 2019 йилда доцент, 2025 йилда профессор унвонига сазовор бўлди.

Учқун домла ўзининг илмий ва педагогик фаолиятида устози - профессор Э.Абдураҳмоновнинг муносиб хиссаси бор деб ҳисоблайди. Узбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармасининг "Ихтиро қил, санаб кўр, татбиқ эт" кўрик-танловида голиб бўлиб, I даражали диплом билан тақдирланган. Кейинги йилларда ҳам "Энг яхши мураббий", "Энг яхши педагог-тадқиқотчи", "Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог" каби нуфузли танловларда юқори ўринларни эгаллади.

Профессор У.Норқулов университет ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказиладиган тадбирлар, давра суҳбатлари, маънавият соатлари, талабалар билан учрашуларда доимо фаол иштирок этади.



Учқун Норқулов бугун ҳам Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Биокимё институтини ноорганик кимё ва материалшунослик кафедраси профессори сифатида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Кўп йиллик меҳнатлари эътироф этилиб, диплом ва фахрий ёриқлар билан тақдирланган.

Учқун ака турмуш ўртоғи Мухаррам ая билан биргача фарзандни илмий кўриб келмоқда. Бугун фарзандлари турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб келмоқда. Қизлари Лобар СамДТУ докторанти, Дилдора мустақил изланувчи, Покиза эса Тошкент давлат аграр университети докторанти. Ўғли Умиджон Экология миллий қўмитаси "Чиқиндилардан холи ҳудуд" умуммиллий лойиҳаси раҳбари.

Устознинг кўтлуг 63 ёши билан муборакбод этамиз. Илм-фан соҳасидаги шарафли фаолияти, юрт равнақи йўлидаги хизматлари бардавон бўлсин. Устозга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, янги илмий ютуқлар тилаймиз.

**Эркин РЎЗИЕВ,**  
**Самарқанд давлат университети Биокимё институтини доценти.**

### ► Mulohaza uchun mavzu

# Hujjatlar nega faqat zarurat tug'ilganda yodga olinadi?

**Ko'pincha hayotimizdagi muhim narsalarga faqat muammo tug'ilgandagina ahamiyat qaratiladi. Shaxsiy hujjatlar ham shunday. Pasport, haydovchilik va tug'ilganlik guvohnomasi, nikoh qaydi, kadastr va mulkka oid hujjatlar oddiy qog'ozlardek tuyulishi mumkin. Ammo aynan shu hujjatlar insonning huquqiy maqomini, jamiyatdagi o'rnini belgilab beradi. Hujjatlarga befarqlik — bu faqat tartibsizlik emas, ortiqcha sarsongarchilik. Shu bois har bir fuqarolar shaxsiy hujjatlarga mas'uliyat bilan qarashi shart.**

#### PASPORT — INSONNING "YUZI"

Pasportni ko'pchilik faqat safarga chiqish yoki bank ishlari uchun kerak bo'ladigan hujjat sifatida qabul qiladi. Aslida esa u insonning davlat oldidagi shaxsini tasdiqlovchi eng muhim hujjat. U fuqaroning kimligi, qayerda yashashi va qanday huquqlarga egaligini belgilaydi.

Shaxsini tasdiqlovchi hujjati yo'q yoki muddati o'tgan pasport egasi qator imkoniyatlardan mahrum bo'ladi. Ishga joylashish, ta'lim olish, pensiya yoki nafaqa tayinlash, bank xizmatlaridan foydalanish shu hujjat bilan bog'liq.

Amaliyotda shunday holatlar uchraydiki, fuqaro pasport muddatini o'z vaqtida yangilashga e'tibor bermagani sababli muhim rejalaridan voz kechishiga to'g'ri keladi. Ayrimlar chet elga ishga chiqish imkoniyatini qo'ldan boy beradi, boshqalar esa kredit olish yoki uy sotib olishda jiddiy to'siqlarga duch keladi.

— Hali pasportimni yangi ID-kartaga almashtirganim yo'q, — deydi bir tanishim. — Keyinroq almashtiraman, hozircha eskisi ham ish berib turibdi.

Bir qarashda bu gap oddiy tuyuladi. Ammo "keyinroq" degan so'z orqasida befarqlik yotadi. Yangi ID-karta nafaqat qulay, balki davlat xizmatlaridan elektron tarzda foydalanish, ma'lumotlarni himoya qilish va vaqtni tejash imkonini beradi. Uni o'z vaqtida almashtirish fuqaroning huquqlariga bo'lgan hurmatidir.

#### KADASTR HUJJATLARI — MULKKA BO'LGAN HUQUQ KAFOLATI

Kadastr hujjatlari ko'pchilik uchun murakkab va tushunarsiz qog'ozlardek tuyuladi. Shu sabab ayrimlar ularni rasmiylashtirishni yillab orqaga surib yuradi. Ammo kadastr hujjatlari uy-joy, yer uchastkalari va boshqa ko'chmas mulkka bo'lgan huquqning asosiy kafolati.

Inson uyida o'n yillab yashab kelishi mumkin. Lekin hujjatlar to'liq rasmiylashtirilmagan bo'lsa, u uy ustidan to'liq tasarruf qilish huquqiga ega bo'lmaydi. Uyni sotish, garovga qo'yish yoki farzandlar nomiga o'tkazish masalasi tug'ilganda esa muammolar boshlanadi.

Ayrim hollarda yer chegarasi masalasi qo'shnilar o'rtasida kelishmovchiliklar yuzaga keladi. Bu tortishuvlar sudgacha borib yetib, yillab davom etadi. Aslida esa barcha hujjatlar o'z vaqtida va qonuniy rasmiylashtirilganida, bunday holatlarning oldini olish mumkin.

Tahririyatimizga shu kabi muammo bilan murojaat

qilgan fuqarolar ham kam emas. Masalan, bir oila uy-joy hujjatlarini rasmiylashtirishga e'tibor bermagani tufayli uyni sotish jarayonida katta qiyinchiliklarga duch kelgan. Oqibatda ular bir necha oy lab idoralari ostonasida sarson bo'lib yurishgan.

#### BEFARQLIK — KATTA MUAMMOLARNING BOSHLANISHI

Shaxsiy hujjatlariga nisbatan befarqlik ayrim hollarda juda qimmatga tushadi. Tug'ilganlik guvohnomasining yo'qolishi bolani maktabga joylashtirishda yoki pasport olish jarayonida jiddiy muammolarni keltirib chiqaradi. Nikoh qayd etilmagan oilalarda esa mulkni bo'lish, farzand huquqlari bilan bog'liq masalalar yanada murakkablashadi.

Hayotda uchraydigan yana bir holat — meros masalasi. Oila boshlig'i vafot etgandan so'ng uy-joy yoki yerga oid hujjatlar to'liq rasmiylashtirilmagan ma'lum bo'ladi. Natijada oila a'zolari yillab sud ishlari bilan ovora bo'ladi. Bu nafaqat moddiy, balki ruhiy zarar ham keltiradi.

— Ota-onam tirikligida uyni nomimga o'tkazib olishga ulgurmadim, — deydi bir tanishim. — Kenja farzandman, uy mening nomimga o'tishi kerak edi. Lekin tortindim, ularga aytishga yuragim betlamadi. "Hali vaqt bor", deb o'yladim. Ota-onam olamdan o'tgandan keyin esa muammolar birin-ketin boshlandi. Avvalo, meros masalasi ko'tarildi. Har kim o'z haqini talab qila boshladi. Ilgari bir dasturxon atrofida o'tirgan, bir uyda o'ynab o'sgan aka-ukalar orasiga sovuqchilik tushdi. Janjallar avj oldi, gap sudgacha bordi. Keyin esa avval uy menga o'tishini istab turgan opalarim "qonun boshqacha" degan vaj bilan tortishuvga qo'shildi. Hujjat yo'qligi sabab oylab, hatto yillab sudga ovora bo'ldim, katta mablag' sarflandi, asablar yemirilib, oilaviy munosabatlar butunlay buzilish yoqasiga kelib qoldi. Achinarlisi, bir paytlar bir-biri uchun jon berishga tayyor jigarlar begonaga aylandi.

Shaxsiy hujjatlarini tartib bilan saqlashni odat qilish lozim. Har bir hujjatning asl nusxasini ehtiyot qilish, nusxalarini tayyorlab qo'yish, zarur hollarda elektron shaklda ham saqlash maqsadga muvofiq.

Bugun raqamlashtirish davrida yashayapmiz. Davlat xizmatlarining aksariyati elektron tarzda ko'rsatilmoqda. Ammo bu asl hujjatlarining ahamiyati yo'q, degani emas. Aksincha, to'g'ri va qonuniy rasmiylashtirilgan hujjat har qanday holatda insonning ishonchli himoyachisi.

To'liq SIDDIQOV.

## VIJDONNING BUGUNGI SO'ROGI

Qabulingizga kelgan murojaatchidan qutulishning mingta yo'lini bilasiz. Ammo uning muammosini hal etishning ham shuncha yo'lini topa olasizmi?

Joriy yilning 25-may kuni Samarqand davlat chet tillar institutida "Tilni o'qitish, o'rganish va baholashdagi innovatsiyalar" mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy anjuman tashkil etilmog'da. Anjuman zamonaviy ta'lim tizimida xorijiy tillarni samarali o'qitish metodlarini takomillashtirish, ilg'or pedagogik texnologiyalarni ta'lim jarayoniga joriy etish hamda xalqaro standartlarga mos bilimlarni baholashning mexanizmlarini ishlab chiqishga bag'ishlandi.

Bugungi globalashuv jarayoni-da xorijiy tillarni o'rganish har bir mamlakatning ilmiy, iqtisodiy va madaniy rivojlanishida muhim omil bo'lmoqda. Ayniqsa, zamonaviy mehnat bozori va xalqaro hamkorlik sharoitida yoshlarning chet tillarini puxta egallashi ularning raqobatbardoshligini oshiradi. Shu nuqtai nazardan, til ta'limida innovatsion yondashuvlarni qo'llash, kommunikativ kompetensiyani rivojlantirish va baholashning shaffof tizimini yaratish dolzarb vazifalardan biridir.

Anjumanda Turkiya, Tojikiston, Qozog'iston, Rossiya, Birlashgan Arab Amirliklari, Malayziya va boshqa davlatlarning yetakchi oliy ta'lim muassasalari professor-o'qituvchilari, ilmiy tadqiqotchilar, doktorantlar hamda yosh olimlar ishtirok etishi kutilmoqda. Xalqaro mutaxassislarining ishtiroki anjumaning ilmiy



## Zamonaviy til ta'limida innovatsion yondashuvlar

salohiyatini yanada oshirib, tajriba almashish imkoniyatlarini kengaytiradi.

Tadbir davomida xorijiy tillarni o'qitishda sun'iy intellekt texnologiyalaridan foydalanish, raqamli ta'lim platformalari, mobil ilovalar orqali til o'qitish, virtual va aralash ta'lim metodlari, masofaviy ta'limning samaradorligi hamda zamonaviy baholash mezonlari yuzasidan ilmiy ma'ruzalar tinglanadi. Xalqaro baholash tizimlari va zamonaviy test metodlarining ta'lim sifatini oshirishdagi o'rni muhokama qilinadi.

Konferensiyaning yana bir muhim jihati shundaki, unda nazariy bilimlar bilan bir qatorda amaliy tajribalar ham keng yoritiladi. Ishtirokchilar uchun mahorat darslari, treninglar va interfaol seminarlar tashkil etilib, ilg'or xorijiy tajribalar namoyishi etiladi. Ayniqsa, yosh tadqiqotchilar va magistrantlar uchun ilmiy maqola yozish, xalqaro jurnallarda maqola chop etish, zamonaviy ilmiy tadqiqot metodologiyasi bo'yicha

tavsiyalar berilishi ko'zda tutilgan. Shuningdek, til ta'limining ke-lajak istiqbollari, raqamli transformatsiya jarayonida o'qituvchining roli hamda ta'lim sifatini oshirishda innovatsion yondashuvlarning ahamiyati yuzasidan fikr almashiladi. Mutaxassislar ta'kidlashicha, zamonaviy pedagog nafaqat bilim beruvchi, balki talabalarning mustaqil fikrlashi, ijodkorligi va kommunikativ salohiyatini rivojlantiruvchi mentor sifatida faoliyat yuritishi lozim.

Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman til ta'limi sohasidagi ilg'or tajribalarni ommalashtirish, xalqaro ilmiy hamkorlikni mustahkamlash hamda zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotda qo'llashda muhim platforma vazifasini bajaradi. Tadbir yakunida ishtirokchilarga sertifikatlar topshirilib, eng yaxshi ilmiy ma'ruzalar ilmiy to'plam shaklida nashr etilishi rejalashtirilgan.

**Gulchehra OBRO'YEVA,**  
**SamDChTI ingliz tili kafedrasini mudiri, professor.**



**MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi**

**Bosh muharrir: Farmon TOSHEV**

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 10 802 nusxada chop etildi. Buyurtma 200. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

**Gazeta haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.**

**QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56**

**BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61**

**MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.**

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

**Korxonani manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

**Navbatchi muharrir:**

**A.SHERXOLOV.**

**Navbatchi:**

**D.TO'XTAYEV.**

**Sahifalovchi:**

**B.ABDULLAYEV.**



Saytimizga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda